2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 207 (1806), 2026 йил 7 октябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА ФАОНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ – “AGRICOLA” МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 октябрь куни БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Цюй Дунъюйни қабул қилди.



ФАО раҳбари Бутунжаҳон пахта кунига бағишланган халқаро конференция ҳамда денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатларнинг аграр ва озиқ-овқат тизимларини ривожлантиришга бағишланган иккинчи форумда иштирок этиш учун юртимизда бўлиб турибди.

Ўзбекистон билан БМТнинг мазкур нуфузли тузилмаси ўртасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда амалий ҳамкорлик доирасида эришилган натижалар мамнуният билан қайд этилди. Янги беш йиллик дастур қабул қилинди. Айни пайтда 27 та қўшма лойиҳа фаол босқичга кирган.

Ўзбекистон илк бор 2028 йилдан 2029 йилгача бўлган давр учун ФАО Кенгаши таркибига сайланди. 7 октябрь куни Тошкентда денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатлар учун Агроинновациялар хаби ишга туширилади.

Учрашув давомида янги ҳамкорлик дастурини самарали амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, иқлим молияси маблағларини жалб қилиш, тажриба алмашиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш каби йўналишларда истиқболли қўшма лойиҳалар портфелини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Самимий мулоқот якунида Цюй Дунъюй Ўзбекистон Республикаси Президентининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш соҳаларидаги ташаббуслари ва эришган ютуқларининг юксак эътирофи сифатида давлатимиз раҳбарига ФАОнинг олий мукофоти — “Agricola” медалини топширди.

БМТнинг ФАО ташкилоти томонидан 1977 йилда таъсис этилган “Agricola” медали очликка барҳам бериш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби умуминсоний мақсадларга эришиш йўлида фидойилик кўрсатган атоқли арбобларга берилади.

ЎзА

“ЛУКОЙЛ” КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ БОРИШИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Лукойл” компанияси асосчиси Вагит Алекперовни қабул қилди.

Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига компания томонидан Ўзбекистон энергетика тармоғида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг жорий ҳолати ҳақида батафсил ахборот берди. Геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли углеводород конларини ўзлаштириш, нефть маҳсулотлари чакана савдоси тармоғини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидан.

Компаниянинг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш бўйича режалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА

Ичиро ХИРОСАВА: “ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИТЪАНИНГ ЕТАКЧИ СПОРТ ДАВЛАТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ ТЎЛА НАМОЁН ЭТДИ”

Нагоя шаҳри мэри Ўзбекистон делегациясининг XX Осиё ўйинларидаги ютуқлари ҳақида фикр билдирди.

Нагоя шаҳри мэри Ичиро Хиросава “Дунё” ААга берган интервьюсида Япониянинг Аичи префектурасидаги Нагоя шаҳрида ўтказилган XX Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар эришган натижаларни юқори баҳолади:

— XX Осиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг ёрқин ва муваффақиятли иштироки муносабати билан Нагоя шаҳри аҳолиси номидан самимий табрикларимни изҳор этаман.

Ушбу мусобақаларда Ўзбекистон спортчилари кураш, академик эшкак эшиш, каноэ ва бошқа кўплаб спорт турларида юксак натижаларга эришиб, Осиёнинг етакчи спорт давлатларидан бири сифатида ўз салоҳиятини тўла намоён этди.

Спортчиларнинг шижоат ва ғайратга бой ҳаракатлари, 21 та олтин, 25 та кумуш ва 24 та бронза медални қўлга киритиши кўплаб томошабинларда катта таассурот қолдириб, мусобақаларнинг янада кўтаринки руҳда ўтишига катта ҳисса қўшди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда спортни ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқлар алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, халқаро майдонда муваффақиятли иштирок этаётган кўплаб юқори салоҳиятли спортчиларни етиштиришга хизмат қилмоқда.

Давоми 2-бетда



ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КЎЛАМИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев куз-қиш мавсумида аҳолини, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Дунёдаги геосиёсий кескинлик, энергия ресурслари ва хомашё нархларининг ўсиши, таъминот ва логистика занжирларидаги узилишлар кўплаб мамлакатларда инфляцион босимни кучайтирмоқда. Бундай шароитда аҳоли харажатларини енгиллаштириш ва муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тақдимотда электр энергияси, газ, кўмир ва коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича амалдаги қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, иситиш мавсумида газлашмаган ҳамда газ етиб бормаган ҳудудларда электр энергияси бўйича базавий меъёрни 200 киловатт-соатдан 350 киловатт-соатга ошириш таклифи маъқулланди.

Декабрь ойида эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам ажратиш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Шунингдек, Ижтимоий реестрга кирмаган эҳтиёжманд оилаларнинг электр энергияси, газ, кўмир ва коммунал хизматлар харажатларини қоплашда оиланинг ҳар бир аъзосига қўлланиладиган даромад мезонини 1 миллион 430 минг сўмгача ошириш таклифи кўриб чиқилди. Натижада қўллаб-қувватлаш қамрови яна 166 минг оилага кенгаяди.

Электр энергияси ва газ бўйича базавий меъёрдан ортиқ истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш муддатини 2028 йил 1 апрелгача узайтириш таклиф қилинди. Бу чора билан бир йилда 470 минг оилани қамраб олиш назарда тутилмоқда. Шароити оғир маҳаллалардаги 3 мингта хонадонни иссиқлик жиҳатидан ҳимоялаш ва энергия тежовчи ускуналар билан таъминлаш ишлари ҳам давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари Ҳукуматга белгиланган ёрдам учун маблағларни ўз вақтида йўналтириш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда манзиллиликни таъминлаш ва ёрдам ҳар бир оилага етиб бориши устидан назоратни кучайтиришни топширди.

Шунингдек, энергия ресурсларини ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи корхоналар фаолиятини трансформация қилиш, бошқарув самарадорлигини ошириш, ортиқча харажатлар ва тармоқлардаги йўқотишларни қисқартириш бўйича ҳам қатор кўрсатмалар берилди.

ЎзА

Буюк ўзбек йўли

БИЛИМ ВА МАЛАКА – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ АСОСИЙ КАПИТАЛИ

БИРИНЧИ МИЛЛИЙ ДАСТУР ШАРҲИ



Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда миллий тараққиётимизнинг янги босқичида билим ва малакани мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини таъминлайдиган асосий капиталга айлантириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Ушбу эзгу ғоя янги Ўзбекистон тараққиёт фалсафасининг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган десам, янглишмаган бўламан.
“Биз таълим билан бир қаторда илм-фан, замонавий технология ва инновацияларни ҳам тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили деб биламиз”, дея таъкидлади Президентимиз.

Алишер Навоий илмни инсонни камолот сари етакловчи, жаҳолатни бартараф этиб, маънавий оламни ёритувчи буюк куч сифатида тараннум этган. Унинг:

Жаҳолатдан илму йироқ қилғай,
Билим ила кўнглинг чароғ қилғай

деган ҳикмати бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Миллатимизнинг икки фидойиси илгари сурган бу даъваткор фикрлар ҳар биримизни ёш авлод маърифати ҳақида қайғуришга чорлайди. Чунки бугунги замон талаби бундай: энди билимни эгаллашнинг ўзи кифоя эмас, уни таҳлил қилиш, янги ғояга айлантириш, технология билан уйғунлаштириш ҳамда инсон ва жамият манфаатига хизмат қилдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Инсоният цивилизациясининг энг буюк ютуқлари, аввало, инсон тафаккурининг юксалиши билан боғлиқ. Одам оловни ўзлаштирди, ёзувни кашф этди, табиат қонуниятларини англади, коинот сирларини ўрганди, электр ва компьютерни ихтиро қилди. Бугун эса сунъий интеллект инсон тафаккурининг имкониятлари билан янги технологик босқични бошлаб бермоқда.

Шубҳасиз, тамаддуннинг асосий моҳияти билимнинг авлоддан авлодга ўтиши, янги билимга айланиши ва инсон ҳаётини ўзгартиришидир.

Давоми 3-бетда

АГРАР ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ барқарор тараққиётнинг энг муҳим талаби

Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Илмий тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, агрокластерлар, кооперативлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларига инновацияларни етказиш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Бунда илм-фан фақат лаборатория ёки илмий мақола доирасида қолиб кетмай, даланинг ўзида, иссиқхонада, боғда, чорвачилик мажмуасида ва қайта ишлаш корхонасида ўз самарасини кўрсатиши муҳим.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ҳосил ортида нафақат деҳқон меҳнати, балки йиллар давомида тўпланган илмий тажриба, селекция изланишлари, агротехнологик тавсиялар ва замонавий инновациялар ҳам туради. Бугунги иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, тупроқ унумдорлиги, сув тақчиллиги ва бозор талаблари каби мураккаб масалаларни илм-фансиз ҳал этиб бўлмайди. Шу маънода, аграр илм-фан мамлакат қишлоқ хўжалигининг келажагини белгилайдиган, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган ва тармоқни янги босқичга олиб чиқадиган асосий кучлардан биридир.

Давоми 4-бетда

Аҳоли бандлиги ва камбағалликни қисқартиришда маҳалла институтининг ўрни алоҳида. Чунки инсоннинг реал эҳтиёжи, оиланинг муаммоси, салоҳияти ва тадбиркорликка қизиқиши, энг аввало, маҳалла даражасида аниқланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 7 октябрь, 207-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ичиро ХИРОСАВА: “ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИТЪАНИНГ ЕТАКЧИ СПОРТ ДАВЛАТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ ТЎЛА НАМОЁН ЭТДИ”

Бошланиши 1-бетда

Ушбу Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар қайд этган натижалар ана шундай тинимсиз меҳнат ва саъй-ҳаракатлар самараси бўлиб, Осиё спорти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишда муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда спортчиларингизнинг нафақат мусобақалар давомида, балки спорт майдонидан ташқарида ҳам намоён этган юксак маданият ва одоб-ахлоқи қалбимизга хурсандлик улашди. Ғалаба қувончини жамоадошлари билан биргаликда баҳам кўриши, рақибларга доимо ҳурмат билан муносабатда бўлиши ҳамда сўнгги дақиқаларгача бор куч ва ғайратини намойиш қилиши Нагоя шаҳри аҳолисида ёркин таассурот қолдирди.

Ўзбекистон вакиллари юксак спорт маҳорати ва олижаноб инсоний фазилатларни ўзида мужассам



этган атлетлар сифатида мусобақаларнинг асосий ғояларини амалда намоён этди.

Нагоя шаҳридаги бошланғич мактабларда ташкил этилган тадбирларда қатнашган, дзюдо бўйича муваффақиятга эришган Ўзбекистон спортчиларига алоҳида минтақдорлигимни билдираман. Жаҳон миқёсида юқори натижаларга эришаётган спортчилар билан бевосита мулоқот қилиш ва улардан ўрганиш имконияти болалар учун беқиёс тажриба бўлди.

Дзюдочиларнинг спортга иштиёқ, меҳнат ва интилишнинг аҳамияти, ҳурмат ва одобга садоқат ҳамда қийинчиликларга қарши мардона курашиш ҳақидаги фикрлари келажак эгалари бўлган болаларга катта орзу ва умид бағишлади. Ушбу самимий ва илиқ мулоқот учун яна бир бор ташаккур билдираман.

Нагоя ва Тошкент шаҳарлари ўртасида туризм ва маданий алмашинув йўналишида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. Ушбу шериклик асосида ўзаро дўстлик муносабатлари изчил ривожланиб келмоқда.

Осиё ўйинлари доирасида шаклланган дўстона мулоқот Тошкент ва Нагоя шаҳарлари ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлайди. Бу саъй-ҳаракатлар келгусида ўзаро англашув ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон спорт делегациясининг барча аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, келгуси фаолиятларида янада улкан муваффақият, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

“Дунё” АА

Нагоя шаҳри

> **Дзюдочиларнинг спортга иштиёқ, меҳнат ва интилишнинг аҳамияти, ҳурмат ва одобга садоқат ҳамда қийинчиликларга қарши мардона курашиш ҳақидаги фикрлари келажак эгалари бўлган болаларга катта орзу ва умид бағишлади. Ушбу самимий ва илиқ мулоқот учун яна бир бор ташаккур билдираман.**

Кечаги эзгу ният — бугунги ҳақиқат

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАРГА МУНОСИБ БЎЛИШГА БЕЛ БОҒЛАДИК

“Яхши хабарнинг қаноти бор”, дейишади. Пойтахтдан кўкка бўйлаган қувончли мужда Сурхон воҳаси — Жарқўрғон туманига жуда тез етиб борди. Тумандаги ихтисослаштирилган мактабнинг биология фани ўқитувчиси Нодира Қулманова “Шуҳрат” медалига муносиб кўрилди. Бу хабарни биринчи бўлиб эшитган мактаб директори қувончдан ўрнидан туриб кетди.

У Нодира Қулманова дарс бераётган хона томонга шошди. У йўлак бўйлаб кетиб борар экан, қувончини учраганларга улашиб борди. Лекин ўқитувчининг дарсини бўлиб бўлмайди. Кейинги йилларда мактаб таълимида “дарс — муқаддас” деган тушунча том маънода ўз ифодасини топмоқда. Шу ўйда директорнинг қадам олиши секинлади. У йўлакда у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлади...

Нодира Қулманова Жарқўрғон туманидаги Қораёғоч маҳалласида, оддий оилада туғилиб ўсди. У болалигиданоқ устоз бўлиш, ёшларга билим беришдек эзгу мақсадда улғайди. Бу интилиш уни 2012 йилда Термиз давлат университети сари етаклади. Олийгоҳни 2016 йилда муваффақиятли тамомлаб, илк меҳнат фаолиятини ўзи таълим олган даргоҳ — тумандаги 50-умумтаълим мактабида бошлади. Унинг камолотида мактаб давридаги мураббийларининг хизмати катта эди. Устозлари нигоҳларидаги ўша ёниқ нур ва илмга садоқат энди Нодиранинг ҳам ҳаёт машъаласига айланганди.

— Мактабда аъло баҳоларда ўқиб, олийгоҳга кириб таҳсил олиб, ёнимизга ҳамкасб бўлиб келганида Нодирага “Илм-салоҳиятинг юқори, нега катта шаҳарларда қолмайсан?” дея сўрадим, — дейди Жарқўрғон туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг фахрий ўқитувчиси Саломат Муродова. — Шунда у “Болалигимда қўлимга илк қалам тутган устозларим — сизлар туфайли шу касбни эгалладим. Устоз деганда, кўз ўнгимда сиз гавдаланаверасиз. Сизлар энг кучли ўқитувчисизлар, қишлоқнинг машаққати, заҳмати билан бирга елкангизга нур елкалаб юраркансизлар, сизлардек энг кучли бўлмоқчиман”, деганди.

Инсон ўз касби ортидан катта марраларни забт этиши учун, аввало, муносиб шароит зарур. Бугун мамлакатимизда устозларнинг жамиятдаги мақомини кўтариш ва уларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Жарқўрғон туманидаги ихтисослаштирилган мактабдаги муҳит бунинг амалий исботидир.

— Мактабимизда 50 педагог 485 иқтидорли ўқувчига сабоқ бермоқда. Муассасамизнинг биология, кимё ва физика лабораториялари энг сўнгги технологиялар, интерактив доскалар ва замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Халқаро IELTS ва SAT имтиҳонларига тайёргарлик хоналари эса ўқувчиларимизнинг жаҳон майдонларида эркин рақобатлашиши учун пухта пойдевор бўлиб хизмат қиляпти, — дейди ихтисослаштирилган мактаб директори Абдузоҳид Қурбонов.

Нодира Қулманованинг малакали мутахассис бўлиб шаклланишида атрофидаги илмий, ўқув муҳитининг ўрни беқиёс. Нодира ана шундай жонкуяр ҳамкасблар даврасида меҳнат қилиб, маҳоратини янада чархлаяпти. Жамоадаги ўзаро ҳурмат ва мадад руҳи унинг изланишларига қанот бўляпти. Олий тоифали ўқитувчи сифатида у нафақат “А+” даражали миллий сертификат, балки ўз касбий маҳорати билан “вазир устамаси”ни ҳам қўлга киритган. Бу ютуқлар унинг ўз устида тинимсиз ишлаши ва янгиликка интилиши маҳсулидир. Ёш ўқитувчининг заҳматли меҳнатлари шогирдлари ютуғида бўй кўрсатмоқда. Унинг юзлаб тарбияланувчилари нуфузли олийгоҳларда таҳсил олмоқда. Ўнлаб шогирдлари республика фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб, халқаро фан олимпиадаларида терма жамоа аъзоларига айланмоқда.

Ўша куни мактаб директори хушхабарни етказиш учун танаффус бўлишини кутди. Беш дақиқали танаффусда бутун мактабга қувончли мужда тарқалиб, барча бирдек хурсанд бўлди.

— Қувонарлиси, бу йил Сурхон воҳасидан жами олти заҳматкаш ўқитувчи давлат мукофотларига лойиқ кўрилди, — деди фахрий ўқитувчилардан бири Мадина Равшанова. — Бу ҳам вилоятимизда ўқитувчилар обрўси ошиб, ўз устида тинимсиз меҳнат қилаётганидан далолат.

Иқтидорли ёш ўқитувчи мукофотни давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзидан қабул қилиб олиш учун Тошкент шаҳрига қушдек учиб келди.

Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида педагоглар билан учрашиб, Нодира Қулманова каби ўқитувчиларга қанот берадиган бир қанча ташаббус ва таклифларни илгари сурди.


— Давлатимиз раҳбарининг “Ўқитувчи — меҳр дарёси, ўқитувчи — эзгулик булоғи, ўқитувчи — маърифат қуёши!” деган сўзларидан бошимиз кўкка етди, — дейди қаҳрамонимиз. — Чунки бу шунчаки мақтов эмас, янги Ўзбекистонда муаллимлар обрўси, шаънини юксалтиришга қаратилган яна бир чақириқ, вазифа деб ўйлайман. Мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбияси давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган. Буни янги ташаббусларда кўришимиз мумкин. Масалан, бошланғич синфлар учун ҳам фан олимпиадалари йўлга қўйиладиган бўлди. Келаси йилдан 4-синфлар ўртасидаги танлов ғолиблари компьютер, уларнинг устозлари эса босқичига қараб пул мукофотлари билан рағбатлантирилади. Бундан ташқари, янги ўқув йилидан 100 та мактабда математика, информатика ва табиий фанлар айрим синфларда тўлиқ инглиз тилида ўқитилади. Ушбу лойиҳа ўқитувчилари ва мактабга тайёрлов гуруҳи педагогларига 100 фоиз устама белгиланади. Бундай янгиликларни санаб, саноғидан адашиб кетдик. Буларнинг барчаси ёшлар камоли учун ташланган катта қадам деб ўйлайман. Энди биз, ўқитувчилар ҳам шунга муносиб бўлиб, янада яхшироқ ишлаб, ўқувчиларга чуқур билим беришга бел боғладик.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ОРОЛБЎЙИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Бугун ҳудудлар тараққиётини баҳолашда иқтисодий кўрсаткичлар билан бирга аҳоли даромади, иш билан таъминланганлик даражаси, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоянинг самарадорлигига ҳам муҳим мезон сифатида қаралмоқда. Чунки иқтисодий ўсишнинг энг катта натижаси инсон ҳаёти, оиласи фаровонлиги ва келажакка ишончида намоён бўлади.



Пардагул РАЗЗОҚОВА,
Халқ депутатлари Беруний тумани кенгаши депутати

Шу нуқтаи назардан, Беруний туманида аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва янги даромад манбаларини шакллантириш борасидаги ишлар комплекс ва тизимли ёндашув асосида бажарилаётгани билан аҳамиятли.

Аҳоли бандлигини таъминлаш фақат иш ўрни очиш ёки ишсиз фуқарони ишга жойлаштиришдан иборат эмас. Унинг замирида инсоннинг меҳнати, билими ва ташаббуси орқали барқарор даромад топиши учун зарур шароитлар яратиш ғояси мужассам.

Беруний туманида бу борада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги имкониятларидан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қурилиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай ёндашувнинг муҳим жиҳати шундаки, аҳоли фақат тайёр иш ўрнини кутиб ўтирмайди, балки ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва иқтисодий имкониятлардан фойдаланишга рағбатлантирилади. Натижада бандлик масаласи ижтимоий ёрдам доирасидан чиқиб, иқтисодий фаоллик ва шахсий ташаббусни рағбатлантирувчи механизмга айланади.

Камбағалликни қисқартиришда энг муҳим масала — оилани вақтинча қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмаслик. Барқарор натижага эришиш учун оиладаги имкониятларни аниқлаш, меҳнатга лаёқатли аъзоларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва доимий даромад манбаини шакллантириш зарур.

Беруний туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлашда ана шу тамойил тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни ижтимоий ёрдамдан мақсад инсонни муттасил ёрдамга муҳтож ҳолатда сақлаб қолиш эмас, балки унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Бу эса маҳалла даражасида ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини чуқур ўрганиш, унинг эҳтиёжи ва имкониятларини аниқлаш ҳамда индивидуал ёндашув асосида иш юритишни тақозо этади.



Фаровонлик харитаси



Аҳоли бандлиги ва камбағалликни қисқартиришда маҳалла институтининг ўрни алоҳида. Чунки инсоннинг реал эҳтиёжи, оиланинг муаммоси, салоҳияти ва тадбиркорликка қизиқиши, энг аввало, маҳалла даражасида аниқланади.

Шу боис, ҳудудда кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги нафақат очилган иш ўринлари, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий ҳолатида юзага келган ўзгаришлар билан баҳоланиши муҳим.

> **Президентимиз шу йил 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Нукус туманидаги Дийқан арна маҳалласида бўлиб, шу ерда ҳудуд фаоллари, нуронийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот қилди. Оролбўйини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлаб, маҳаллаларда бошланган бундай хайрли ишлар кўлами кенгайиб, уларни амалга ошириш суръати янада жадаллашишини қайд этди.**

Бу ёндашув умумий рақамлардан воз кечиб, инсон тақдирига дахлдорлик ҳиссини англашга хизмат қилади. Яъни ҳар бир ишсиз фуқаро, ҳар бир кам таъминланган оила ва ҳар бир тадбиркорлик ташаббуси алоҳида эътибор объектига айланиши лозим.

Президентимиз шу йил 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Нукус туманидаги Дийқан арна маҳалласида бўлиб, шу ерда ҳудуд фаоллари, нуронийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот қилди. Оролбўйини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлаб, маҳаллаларда бошланган бундай хайрли ишлар кўлами кенгайиб, уларни амалга ошириш суръати янада жадаллашишини қайд этди.

Иқтисодий фаоллик — оила фаровонлигининг асосий кафолати. Аҳоли даромадини оширишда энг юқори салоҳият қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, ҳунармандчилик, қурилиш ва бошқа соҳаларда мавжуд.

Беруний тумани учун, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари аҳоли бандлигини кенгайтиришда муҳим имкониятдир. Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали янги даромад манбаларини очиш мумкин.

Шу билан бирга, бу жараёнда фақат иш ўринларининг сони эмас, балки барқарорлиги, расмийлиги, меҳнат шароити ва даромад даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳақиқий фаровонлик бир марталик даромад ёки вақтинчалик иш билан эмас, балки инсоннинг узоқ муддатли ва барқарор иқтисодий фаоллиги билан таъминланади.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнининг энг муҳим натижаси статистик кўрсаткичларда эмас, балки инсоннинг ҳаётидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлади.

Оилада барқарор даромад пайдо бўлиши фарзандлар таълими, соғлиғи ва келажагига кўпроқ инвестиция киритиш имкониятини беради. Тадбиркорликка кириб келган инсон эса нафақат ўз оиласи, балки бошқа фуқаролар учун ҳам янги имкониятлар очиши мумкин.

Шу маънода, битта иш ўрни — битта статистик рақам эмас. Унинг ортида бир инсоннинг иқтисодий мустақиллиги, бир оиланинг фаровонлиги ва жамиятдаги ижтимоий барқарорлик мужассам. Келгуси вазифа натижадорликни барқарорлаштириш, эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш учун бандлик ва камбағалликни қисқартириш сиёсатида натижадорликка асосланган ёндашувни кучайтиришдир.

Бунда, аввало, аҳолининг меҳнат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, касб-ҳунарга ўқитишни меҳнат бозори эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва очилган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш муҳим.

Шунингдек, камбағалликдан чиққан оилаларни кейинги босқичда ҳам кузатиб бориш, уларнинг яна ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳолатга тушиб қолишининг олдини олиш ҳам долзарб вазифадир. Бунинг учун ҳар бир оила билан ишлашда “муаммони аниқлаш — имкониятни белгилаш — ечимни амалга ошириш — натижани кузатиш” тамойили асосида иш юритиш мақсадга мувофиқ.

Беруний туманида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар моҳиятан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ягона жараённи ташкил этади. Унинг марказида эса инсон манфаати турибди. Аҳолига иш ўрни очиш, тадбиркорлик учун шароит яратиш, ижтимоий ҳимояни манзилли ташкил этиш ва оилаларнинг даромадини ошириш орқали ҳудудда нафақат иқтисодий фаоллик, балки ижтимоий барқарорлик ҳам мустаҳкамланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН


www.yuz.uz yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Биринчи миллий дастур — билим ва малакани келгуси тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантириш.

3

2026 йил 7 октябрь, 207-сон







Буюк ўзбек йўли

БИЛИМ ВА МАЛАКА — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ АСОСИЙ КАПИТАЛИ

БИРИНЧИ МИЛЛИЙ ДАСТУР ШАРҲИ



Бекзод НАРИМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари, юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Учинчи Ренессанснинг энг катта таянчи

Янги Ўзбекистон фалсафаси замирида инсон қадрини улуғлаш, халқ билан мулоқотни давлат бошқарувининг муҳим мезонига айлантириш ва ислоҳотлар самарасини **ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётида акс эттиришдек теран ғоя мужассам.**

Бугун минглаб маҳаллаларимизга янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси ва янгича тафаккури кириб бормоқда. Илгари мамлакатимиз иқтисодиётига йилига 2-3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, бугун ушбу кўрсаткич 40-50 миллиард долларга етмоқда.

Шу маънода, сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва стратегик аҳамиятини чуқур англаш учун илм-фан ва таълим тизимида юз берган ўзгаришларга назар ташлашнинг ўзи кифоя.

Зеро, мазкур янгиланишлар тасодифий эмас. Улар янги Ўзбекистонни барпо этишнинг узоқ муддатли мақсад ва вазифаларига уйғун стратегик қарорлар, изчил ислоҳотлар ҳамда давлатимиз раҳбарининг таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратаётган доимий эътибори ва алоҳида меҳрининг мантиқий натижасидир.

Дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, глобал рақобат муҳитида тараққиёт йўлимизни ишонч билан давом эттириш учун бизга, энг аввало, билимли, келажак касбларини пухта эгаллаган, креатив фикрлайдиган янги авлод мутахассислари керак. Зеро, замон ўзгаргани сари меҳнат бозори ҳам, таълимнинг вазифаси ҳам трансформация жараёнини бошдан кечирмоқда.

Шу боис, мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар жамиятнинг устозга ва маърифатга муносабатини ҳам тубдан ўзгартирди. Муаллимнинг жамиятдаги обрў-эътиборини тиклаш, меҳнатини муносиб қадрлаш ва даромадини изчил ошириб бориш бу жараённинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.

Эътиборлиси, ўтган ўн йилда аҳоли сони 8 миллионга кўпайгани ҳолда боғча қамрови 78 фоизга етказилди. Мактабларда 1,5 миллион қўшимча ўқувчи ўрни очилди. Президент, ижод ва ихтисослашган мактабларнинг ташкил этилгани фарзандларимизга етакчи хорижий таълим масканларидагидан кам бўлмаган даражада чуқур билим олиш учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Мустақиллик арафасида Янги Ўзбекистон университети, Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети, Ўзбекистон миллий кутубхонасининг муҳташам бинолари очилди.

Бундан ташқари, ёшларнинг хорижий тиллар ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун ҳам муносиб шароит яратилмоқда. Бу, аслида, ёшларга дунё билан мулоқот қилиш, билим ва тажриба алмашиш, ўз салоҳиятини халқаро миқёсда намоён этиш имкониятини бериш демакдир.

Олий таълим учун яратилаётган имкониятлар ҳисобига ҳозир талабалар сони 1 миллион 600 мингга етди. Ёшларнинг билим олишга иштиёқи кучайди. Ота-оналар учун фарзандини олий маълумотли қилиш эришиш мумкин бўлган аниқ мақсадга айланди.

Айниқса, талабаларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этаётгани ўзига хос воқеадир. Зеро, аёлнинг таълим олиши — бир инсоннинг эмас, бутун бир авлоднинг интеллектуал келажагига қўйилган сармоя. Маърифатли қиз — билимли оила, бу эса, ўз навбатида, билимли авлод, пировардида маърифатли жамият демакдир.

Шунингдек, 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг 7 та олий таълим муассасаси QS World University Rankings, 4 таси Times Higher Education World University Rankings, 59 таси эса THE Impact Rankings халқаро рейтингларига киритилди. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизни Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида мазкур рейтинглар бўйича етакчи давлатлардан бирига айлантирди. Ушбу натижалар янги Ўзбекистонда инсон капиталига сармоя киритиш, илм-фан ва таълимни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш ўзининг амалий самарасини бераётганини яққол намоён этмоқда.

Бу эса юртимизга инвестициялар билан бирга илғор технологиялар, замонавий билим ва бошқарув тажрибаси, янги ишлаб чиқариш маданияти ҳамда иқтисодий имкониятлар кириб келяпти дегани. Натижада ислоҳотлар инсоннинг билими ва малакаси, меҳнат салоҳияти ва ҳаёт сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади.

Шу маънода, Президентимизнинг таълим ва илмга меҳри ҳамда эътиборини миллатнинг интеллектуал келажагига қўйилаётган пойдевор сифатида англаш лозим. Чунки янги Ўзбекистоннинг илмли авлоди улкан қийматга эга инсон капиталидир.

Умуммиллий ҳаракат

Билим олиш фақат мактаб ёки университетнинг вазифаси эмаслигини тушуниб турибмиз. У инсон ҳаётининг муайян даврида эмас, балки бутун умр давом этадиган жараён. Бугун тез ўзгараётган дунёда бир марта эгалланган билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Янги касблар, янги технологиялар, янги ижтимоий муносабатлар инсондан мунтазам ўрганиш, ўз устида ишлаш ва кўникмаларини янгилаб боришни талаб этмоқда.

Аслида, билимга эҳтиёжнинг инсон умри давомида сақланиши тараққий этган жамиятнинг муҳим белгиларидан. Шу маънода, таълимнинг ҳақиқий мақсади инсонни фақат бир касбга тайёрлаш эмас, балки уни бутун умр давомида ўрганиш ва ўзгаришга қодир шахс сифатида шакллантиришдир.

Бугун боғча ва мактаб ёшидаги болалардан тортиб, катта ёшдагиларга қадар турли авлод вакилларининг илм ўрганиш, янги касб ва замонавий кўникмаларни эгаллашга интилаётгани бежиз эмас. Бу интилишни мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам кўриш мумкин.



Таътил кунларида Бахмал туманидаги чекка қишлоқлардан бирида бўлганимда, ёзнинг иссиқ кунларига қарамай, ёшларнинг хорижий тиллар, математика каби фанлар бўйича ташкил этилган тўгаракларда кун давомида машғул бўлиб, ўз билими ва кўникмаларини оширишга интилаётганига гувоҳ бўлдим. Бу оддий манзара эмас, менимча. Чунки бир вақтлар қўшимча таълим, хорижий тил ёки замонавий касб ўрганишга асосан йирик шаҳарларга хос имконият сифатида қаралган бўлса, бугун бундай эҳтиёж чекка қишлоқларда ҳам тобора кучайиб бормоқда.

Мазкур тенденцияни рақамлар аниқ кўрсатиб турибди. Хусусан, 2025/2026 ўқув йили бошида мамлакатда 551 та нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси фаолият юритган. Нодавлат умумий ўрта таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 2016/2017 ўқув йилидаги 5309 дан 2025/2026 ўқув йилида 157 минг 471 нафарга етди. Бу қарийб 30 баробар ўсиш демакдир.

Шу маънода, ёшларнинг шахсий ривожланишга интилишини бугун бемалол умуммиллий ҳаракат деб аташ мумкин. Замонавий тил билан айтганда, ўз устида ишлаш, янги тил ва касб ўрганиш, замонавий кўникмаларни эгаллаш оддий тренддан кўра кенгроқ мазмун касб этмоқда. Бу — янги ҳаёт тарзи, янги тафаккур маданияти, энг муҳими, инсон ўз келажагини ўзи яратиши мумкинлигига ишончнинг кучайиши.

Мустаҳкам пойдевор

Инсоннинг билим олишга муносабати, фикрлаш қобилияти ва янги кўникмаларни ўзлаштириш салоҳияти пойдевори айнан мактабгача таълим даврида шакллана бошлайди.

Бинобарин, 6 ёшли тайёрлов гуруҳларига болалар қамровини қисқа муддатда 100 фоизга етказиш вазифасининг белгиланиши стратегик аҳамиятга эга. Бунда хусусий боғчалар ташкил этиш бўйича имтиёзларни сақлаб қолиш орқали таълим хизматларини кенгайтириш ва ота-оналар учун танлов имкониятини таъминлаш ҳам назарда тутилмоқда. Бугун боланинг тайёрлов гуруҳида олган кўникмаси эртага мактабдаги ўзлаштиришига, кейинчалик касбий танлови ва узоқ истиқболда меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигига таъсир қилади. Асосий мезон барибир олинган билим сифати ва уни ҳаётда қўллай олиш қобилиятидир.

2026 йил 8 сентябрда PISA — 2025 халқаро баҳолаш дастури натижалари расман эълон қилинди. Унда 91 мамлакат ва таълим тизимидан 760 мингдан ортиқ 15 ёшли ўқувчи иштирок этди. Ўзбекистондан халқаро танлов асосида 233 та мактабда таҳсил олаётган 8652 нафар 15 ёшли ўқувчи қамраб олинди. Ўзбекистонлик ўқувчилар табиий фанлар бўйича 438 балл тўплади. Бу 2022 йилдаги 355 баллга нисбатан 83 балли ўсиш демакдир. 2025 йилда Ўзбекистон 91 мамлакат ва таълим тизими орасида 48-ўринни қайд этди. ИҲТТ ҳам 2022–2025 йиллар оралиғидаги 83 балли ўсишни иштирокчилар орасидаги энг катта ўсишлардан бири сифатида қайд этган.



Бироқ PISA натижалари бизга олдимизда турган вазифаларни ҳам кўрсатади. Энг муҳими, Президентимиз таъкидлаганидек, халқаро баҳолаш дастурларида иштирок этиш энди айрим мактаблар ёки алоҳида тадқиқотлар доирасидаги жараён бўлиб қолмайди. Барча мактабларни халқаро баҳолаш дастурлари билан тўлиқ қамраб олиш вазифаси таълим сифатини баҳолашда ягона ва холис мезонларни шакллантиради.

Тарихий бурилиш остонасида

Бугун инсоният бир вақтнинг ўзида бир нечта улкан хавф билан юзма-юз турибди. Иқлим ўзгариши, сув ва озиқ-овқат хавфсизлиги, энергетика, киберхавфсизлик, демографик жараёнлар, янги технологиялар ва сунъий интеллект — буларнинг ҳар бири нафақат янги ечимларни, балки янги билим, янги тафаккур ва янгича касбий кўникмаларни талаб этмоқда.

Илгариги бир авлод эгаллаган билим кейинги авлод учун етарли таянч бўлиб хизмат қилган бўлса, бугун билимнинг яроқлилик муддати қисқариб бормоқда. Шу боис, замонавий инсон учун мунтазам ўрганиш қобилияти энг муҳим кўникмалардан бирига айланмоқда.

Бугун инсоният яна бир тарихий бурилиш остонасида турибди. Сунъий интеллект инсон тафаккурининг имкониятларини рақамли муҳитда кенгайтиришга хизмат қилаётган янги восита сифатида намоён бўлмоқда. У ахборотни излаш, таҳлил қилиш, таржима, моделлаштириш, дастурлаш, илмий изланиш ва ижодий жараёнларнинг кўплаб босқичларига кириб келмоқда.

Шу маънода, биз шартли равишда сунъий интеллектгача бўлган ва сунъий интеллект кенг қўлланаётган давр ўртасидаги улкан цивилизацион ўзгариш жараёнини бошдан кечирмоқдамиз. Аммо тарих бизга бир ҳақиқатни ўргатган: технологик инқилобнинг ҳақиқий қиймати инсоннинг ундан қандай мақсадда фойдаланиши билан белгиланади.

Президентимиз нутқида АТ, сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт каби йўналишларни ривожлантиришга янгича суръат бошлангани таъкидланди. Айни жараён доирасида 10 миллион ёшни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кириш мақсади ҳам илгари сурилмоқда. Бу ўзгариб бораётган меҳнат бозори ва келажак касбларига тайёрлаш орқали ёшларимизни глобал рақобат муҳитидан муносиб ўрин эгаллашга тайёрлаш демакдир. Зеро, глобал рақобат тобора билим, малака, технология ва креативлик салоҳияти атрофида кечмоқда.

Бу жараёнда ёшларнинг салоҳиятини янги ғояларни яратиш ва иқтисодий қийматга айлантириш ҳам муҳим. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ёшларимизнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда стартап, венчур ва сунъий интеллектни ривожлантириш устувор йўналишга айланади”. Бу ёндашув ёшларни креатив иқтисодиётнинг фаол субъекти сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

> **“Президентимиз юртимиздаги техникумларда халқаро таълим стандартларини жорий этиш, ёшларимизни юқори даромадли касбларга ўқитишни йўлга қўйиш ва қамровни 1 миллионга етказиш орқали янги Ўзбекистонда касб эгалламаган бирорта йигит-қиз қолмаслигига эришиш вазифасини белгилаб берди. Бунинг замирида ёшларга ҳаётда ўз ўрнини топиш имкониятини бериш эзгу мақсади мужассам.**

Бундай мақсадлар, ўз навбатида, келажак авлод таълими қандай бўлиши керак деган муҳим саволни кун тартибига қўяди. Менимча, келажак таълими, аввало, мослашувчан кўникмаларни ривожлантириш, сунъий интеллектни таълим жараёнига оқилона интеграция қилиш ва инсоннинг бутун умр узлуксиз таълим олишини таъминлаш тамойилларига таяниши лозим. Чунки келажак касбларини бугунги таълим мезонлари билан тўлиқ белгилаб бўлмайди. Биз ёшларга муайян касбдан кўра, ўзгариб бораётган дунёда янги билим ва кўникмаларни мустақил эгаллаш қобилиятини беришимиз керак.

Сунъий интеллект таълим соҳасига жадал кириб келаётган бир пайтда унинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш билан бирга эҳтимолий хавфларни ҳам англаш муҳим. PISA асосчиларидан бири Андреас Шлейхернинг мулоҳазаларига кўра, сунъий интеллектни таълим тизимига масъулиятсиз жорий этиш мустақил тафаккур қилишга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун у таълимда инсон тафаккурининг ўрнини эгаллаши мумкин эмас. Аксинча, одамнинг билиш, таҳлил қилиш ва яратиш имкониятларини кенгайтирувчи восита сифатида қаралиши лозим. Демак, сунъий интеллект даврида танқидий фикрлаш интеллектуал хавфсизликнинг муҳим шартига айланишини асло ёддан чиқармаслигимиз шарт.

Назария ва амалиётни боғловчи кўприк

Шу йил 28 сентябрь куни Президентимиз ҳузурида мактаб таълимида янги авлод дарсликларини жорий этиш ҳамда олий таълим муассасалари ва корхоналар ҳамкорлигида дуал таълимни кенгайтириш бўйича тақдимот ўтказилди. Унда таълим стандарти, ўқув дастури, дарслик ва баҳолаш тизимини узвий боғлиқ ҳолда шакллантириш, дарсликларда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш, мулоқот, ҳамкорлик ва ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш белгиланди. Шунингдек, учинчи ва тўртинчи босқич талабаларининг камида 80 фоизини, яъни 185 минг ёшни дуал таълимга қамраб олиш, 2027/2028 ўқув йилида 75 олийгоҳ ва 3500 корхонани жалб этиш режалаштирилмоқда. Бунда талабаларга тўланган иш ҳақининг 50 фоизини субсидия қилиш, корхоналарга божхона ва амортизация бўйича имтиёзлар бериш, 25 нафардан ортиқ талабани амалиётга қабул қилган корхоналарга давлат харидларида преференциялар қўллаш кўзда тутилмоқда. Мазкур ёндашувлар таълим ва амалиётнинг узвийлигини таъминлаб, ёшларни замонавий билим ва касбий кўникмаларга эга рақобатбардош кадрлар этиб тайёрлашга хизмат қилади.

Билим капиталга айланиши учун назария билан амалиёт туташиши керак. Шу нуқтаи назардан, дуал таълимнинг аҳамияти катта. Унда таълим муассасасида олинган назарий билим иш жойидаги амалий тажриба билан уйғунлашади. Ёшлар касбни фақат китобдан ўрганмайди, аксинча, унинг моҳиятини иш жараёнида англайди, жамоага мослашади, масъулиятни ҳис қилади ва ўз меҳнатининг натижасини кўради. Шу маънода, замонавий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири назария билан амалиёт ўртасида мустаҳкам кўприк яратиш, билимни реал ҳаётда қўллашга ўргатишдан иборат.

Бугун мамлакатимиздаги 595 техникумда 329 касб ва мутахассислик бўйича 437,8 минг ёш таълим олмоқда. Уларнинг 67,4 минги 17 мингдан ортиқ иш берувчи билан ҳамкорликда дуал таълимга жалб этилган.

Президентимиз юртимиздаги техникумларда халқаро таълим стандартларини жорий этиш, ёшларимизни юқори даромадли касбларга ўқитишни йўлга қўйиш ва қамровни 1 миллионга етказиш орқали янги Ўзбекистонда касб эгалламаган бирорта йигит-қиз қолмаслигига эришиш вазифасини белгилаб берди. Бунинг замирида ёшларга ҳаётда ўз ўрнини топиш имкониятини бериш эзгу мақсади мужассам. Айниқса, техникумларда халқаро таълим стандартларининг жорий этилиши касбий таълим олдига янги талабларни қўяди.

Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Иккинчи имкон” лойиҳаси инсонпарвар ёндашувнинг амалий ифодасидир. Унда жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган ёшларнинг ижтимоий ҳаётга тез мослашишини таъминлаш мақсадида замонавий касб ва кўникмаларга эга бўлишга қаратилган комплекс ёндашув назарда тутилган.

Яқинда Қашқадарё вилоятидаги ёпиқ муассасаларга миллий превентив механизм доирасида Омбудсман ҳузуридаги жамоатчилик гуруҳлари билан мониторинг ташрифлари давомида ушбу лойиҳанинг том маънодаги инсон қадри лойиҳасига айланиб бораётганига гувоҳ бўлдик.

Энг муҳими, бу ерда ёшларга шунчаки бўш вақтини мазмунли ўтказиш ёки бирор ҳунарни ўргатиш эмас, замонавий ҳаёт ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топиш учун зарур бўлган янги билим ва кўникмаларни эгаллаш имконияти яратилмоқда. Улар АТ, рақамли кўникмалар, хорижий тиллар ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган бошқа замонавий касб ҳамда мутахассисликларни ўрганиб, янги ҳаёт йўлини қуришга тайёргарлик кўрмоқда.

Бу жуда муҳим. Чунки жиноят йўлига қайта кириб қолмаслиги учун уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, қонуний меҳнат орқали ўз келажагини қуриши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ниҳоятда долзарб. Бунинг учун эса инсонга фақат озодликнинг ўзи эмас, янги ҳаёт қуриш учун зарур билим, касб, кўникма ва ишонч ҳам керак.

Шу маънода, “Иккинчи имкон”нинг энг катта қиймати инсонга фақат кечаги кунидан воз кечишни эмас, балки эртанги кунга тайёргарлик кўриш имкони берилишидадир. Касб эгаллаётган, АТ ва рақамли технологияларни ўзлаштираётган, хорижий тил ўрганаётган ёш ўз келажагини кутиб ўтирмайди. Унинг учун зарур бўлган салоҳиятни бугундан шакллантиради.

Президентимиз илгари сураётган “Ҳеч ким ўз муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак” деган улуғвор ғоянинг моҳияти ҳам шунда. Инсонни фақат қилган хатоси билан эмас, унинг ўзгариш, ўрганиш, меҳнат қилиш ва жамиятга фойда келтириш салоҳияти билан ҳам кўра билиш инсон қадрини улуғлашнинг юксак ифодасидир.

Умуман олганда, касб-ҳунарни эгаллашга рағбат инсон ҳаётида ўз қобилиятини англаш ва уни ижтимоий-иқтисодий қийматга айлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳар бир ёш ўз истеъдоди ва қизиқишини кашф этиши, уни муайян касбий маҳоратга айлантириши ва ўз меҳнати орқали муносиб ҳаёт қуриши учун зарур шароитга эга бўлиши керак.

Қўшма лойиҳалар орқали олимлар янги методикаларни ўзлаштиради, лаборатория базаси мустаҳкамланади, ёш тадқиқотчилар халқаро илмий муҳитга кириб боради. Бу эса миллий аграр илм-фаннинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Агротармоқ

АГРАР ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ барқарор тараққиётнинг энг муҳим талаби

Алишер ШУКУРОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари,

Акмал ШАМСИЕВ,
вазирлик бошқарма бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Академик мактаблар

Аграр соҳада илмий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Илмий тадқиқотларда иқлим ўзгаришига чидамли янги нав ва дурагайларни яратиш, сув ва ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, агробиотехнология ҳамда селекция ишларини такомиллаштириш, ўсимликлар ва ҳайвонлар касалликларига қарши инновацион ечимларни ишлаб чиқиш, рақамли қишлоқ хўжалиги технологияларини амалиётга татбиқ этиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, аҳолининг озиқ-овқатга талабини қондириш, аграр соҳада илм-фаннинг ўрнини юксалтириш ҳамда инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ташкил этилди. Академия атрофида илмий муассасалар, олий таълим ташкилотлари ва ишлаб чиқариш субъектларини бирлаштириш, тадқиқот натижаларини амалиётга яқинлаштириш учун янги имкониятлар шаклланмоқда.

Академия ҳузурида “илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш” интеграциясини мустаҳкамлаш, илмий тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш, академик илмий мактабларни ривожлантириш ва юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш бўйича “академик мактаблар” фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бунинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги учун юқори салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини шакллантириш, олий таълимда таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни ўқиш давридан бошлаб “устоз-шогирд” тамойили асосида илмий тадқиқот ишларига жалб этишдан иборат.

Пахтачилик илм-фани мутлақо янги инновацион босқич сари одимламоқда. Илк бор хорижий ғўза навлари синовларининг самарали натижалари асосида кўсак қурти ва гербицидга бардошлилик хусусиятларини маҳаллий навларга қисқа муддатларда ўтказиш бўйича биотехнологик тадқиқотлар йўлга қўйилди. Чатиштириш орқали олинган F1 дурагайларда фитотрон иссиқхона мажмуида иккинчи марта беккросс чатиштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундай изланишлар натижасида ишлаб чиқаришга янги генетик асосга эга, юқори ҳосилдорлиги 60-70 центнергача, тезпишарлиги 110-115 кун, тола чиқими 40 фоиздан юқори бўлган, сифати баланд, кўсак қурти ва глифосатга бардошли, вилтга чидамли тизма ҳамда навларни жорий этиш имконияти кенгаймоқда. Бу эса пахта хомашёси ҳосилдорлигини 15-20 центнер, тола чиқимини 3-5 фоиз ошириш, бегона ўтларга қарши курашда қўл меҳнатини камайтириш ва кўсак қуртига қарши кимёвий кураш чораларини қисқартиришга хизмат қилади.

Шинжон усули

Хитойнинг Шинжон усули, асосан, қўшқатор экиш, плёнка остида етиштириш, томчилатиб суғориш ва юқори кўчат қалинлигига асосланган агротехнологик комплексдир. Ўзбекистонда бу усулни маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш бўйича ўтган йили тажриба тариқасида 100 минг гектар майдонга чигит экилди. Айрим хўжаликларда мазкур технология асосида 70-80 центнергача ҳосил олинди. Жорий йилда эса 305 минг гектар майдонда Шинжон усулида пахта парваришланди.

Мазкур технология Ўзбекистон шароитида фақат хорижий эмас, балки маҳаллий ғўза навларини ҳам юқори самарали интенсив агротехнология асосида етиштириш имконияти борлигини кўрсатмоқда. Унинг илмий асоси ғўза ўсимлигининг озиқланиш майдони, кўчат қалинлиги, сув ва иссиқлик режимини оптималлаштиришга қаратилган.

Технологияда асосан 76×10 сантиметр қўшқатор экиш схемаси, гектарига 220-240 минг туп кўчат қалинлиги, плёнка остида етиштириш ва томчилатиб суғориш каби усуллар қўлланади. Қўшқатор ва юқори кўчат қалинлиги дала бирлигига тўғри келадиган ҳосил элементлари сонини оширади. Плёнка тупроқ намлигини сақлаш, ҳарорат режимини яхшилаш ва дастлабки ривожланишни тезлаштириш имконини беради. Томчилатиб суғориш эса сув ва минерал озуқаларни ўсимликнинг илдизига аниқ етказиш орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иқлим шароитларида нав, кўчат қалинлиги, суғориш ва ўғитлаш меъёри, этафон қўллаш, дефолиация, десикация ва ҳосилдорлик ўртасидаги мақбул нисбатларни аниқлаш, ўсимликнинг ўсув даврини бошқариш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Илмий ёндашувлар янги технологияни маҳаллий шароитга мослаштириш, ҳосилдорликни баҳолаш ва иқтисодий самарани ошириш имконини яратади.

Ғаллачиликда тезкор селекция

Кузги буғдой ва дуккакли дон экинлари селекцияси соҳасида Speed Breeding технологиясини қўллаш натижасида ёруғлик режими, ҳарорат, намлик ва бошқа муҳит омилларини сунъий бошқариш орқали ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш даврини бир неча баробар қисқартириш, бир йилда бир неча марта авлод олиш имконияти яратилмоқда. Анъанавий селекцияга нисбатан янги навларни яратиш муддати 5-6 йилгача қисқариши мумкин.

Геном таҳрирлаш йўналишида CRISPR/Cas9 усулида молекуляр-генетик тадқиқотлар йўлга қўйилди. Буғдой, арпа, маккажўхори, кунгабоқар ва помидорда салбий генотипларни эрта боққа чиқариш, функционал генлар



> **Технологияда асосан 76×10 сантиметр қўшқатор экиш схемаси, гектарига 220-240 минг туп кўчат қалинлиги, плёнка остида етиштириш ва томчилатиб суғориш каби усуллар қўлланади. Қўшқатор ва юқори кўчат қалинлиги дала бирлигига тўғри келадиган ҳосил элементлари сонини оширади. Плёнка тупроқ намлигини сақлаш, ҳарорат режимини яхшилаш ва дастлабки ривожланишни тезлаштириш имконини беради.**

ва уруғлик материалининг барқарорлиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Илмий селекция озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда узоқ муддатли кафолат вазифасини бажаради.

Сув устида шоли етиштирилмоқда

Бир вақтнинг ўзида ҳам балиқ, ҳам шоли етиштиришга қаратилган сув юзасида шоли ўстириш технологияси Фарғона, Тошкент ва Наманган вилоятлари шароитида синовдан ўтказилмоқда. Бунда мавжуд сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш, агротехник тадбирлар харажатларини камайтириш, экологик



> **Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иқлим шароитларида нав, кўчат қалинлиги, суғориш ва ўғитлаш меъёри, этафон қўллаш, дефолиация, десикация ва ҳосилдорлик ўртасидаги мақбул нисбатларни аниқлаш, ўсимликнинг ўсув даврини бошқариш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.**

орқали касалликлар ва абиотик стрессларга чидамлиликни ошириш, дон сифати ва ҳосилдорликни яхшилаш бўйича изланишлар қилинмоқда.

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида Покистоннинг Файсилобод қишлоқ хўжалиги университети билан ҳамкорликда гибрид буғдой линиялари синовдан ўтказилмоқда. Гибрид буғдой уруғчилигини йўлга қўйиш, стерил оналик формаларини тайёрлаш ва маҳаллий оталик навларни танлаш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Синовларда гибрид буғдойнинг ҳосилдорлиги 10 тоннагача бўлиб, сариқ занг касаллигига чидамлилиги қайд этилмоқда.

Бу йўналишларнинг аҳамияти шундаки, ғаллачиликда ҳосилдорлик билан бир қаторда дон сифати, касалликларга чидамлилик, шўрланиш, қурғоқчиликка мослашув тоза маҳсулот етиштириш ва бир гектар ҳисобида қўшимча 5,5 тонна шоли ҳосили олиш имконияти яратилади. Тадқиқотларда шоли дони таркибидаги амилоза, оқсил ва крахмал миқдорини ошириш масалалари ҳам ўрганилмоқда.

Сабзавот ва полизчиликда қулупнайнинг янгидан яратилган “Ёқут”, пиёзнинг “Бинафша”, “Шамс”, “Қамар”, қовуннинг “Қизил мағиз”, “Кўксарой”, “Хуштаъм”, тарвузнинг “Дийдор”, помидорнинг “Қоракўл”, “Университет” ва картошканинг “Янги Ўзбекистон” навлари фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари далаларида синовдан ўтказилиб, кенг майдонларда экиш учун давлат реестрига киритилди.

Янги навларнинг ўзига хослиги истеъмолчилар учун сифатли, бозор талабига мос, мазали ва рақобатбардош маҳсулот етиштириш имкониятидир. Бу эса селекция натижаларининг нафақат агротехник, балки иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти борлигини кўрсатади. Маҳсулот сифати яхшиланса, унинг бозордаги қиймати, қайта ишлаш имконияти ва экспорт салоҳияти ҳам ортади.

Мевачиликда in-vitro лабораторияларида данак мевалилардан шафтоли, ўрик ва олхўри учун “Фортуна” ҳамда “Бест-1” пайвандтагларини кўпайтириш, лаборатория шароитида оналик материалларини тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу технология соғлом кўчат материалини кўпайтириш, касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва интенсив боғдорчилик учун сифатли кўчат базасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ягона занжир

Илмий муассасалар, олий таълим ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиши инновацион ғояларни амалиётга тезроқ жорий этиш имконини бермоқда. Тошкент давлат аграр университетида талабаларнинг пахтачилик ва ғаллачилик бўйича билимларини мустаҳкамлаш, уларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳамда янги агротехнологиялар асосида пахта ва ғалла етиштириш кўникмасига эга бўлган агрономларни тайёрлаш ва “устоз-шогирд” тизимини жорий этишга эътибор қаратилмоқда.

Замонавий агроном энди фақат экинни парвариш қилиш қоидаларини биладиган мутахассис эмас. У тупроқ таҳлилини ўқий олиши, сув сарфини ҳисоблаши, дрон орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиши, ўсимлик касалликларини эрта аниқлаши, агротехнологиянинг иқтисодий самарасини баҳолай олиши керак. Шу боис, таълим жараёнида назарий билим билан бирга лаборатория, тажриба майдони ва ишлаб чиқариш амалиётининг уйғунлиги муҳим.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантириш учун агроном мутахассисларга сувни тежайдиган суғориш технологиялари, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланган ҳолда пахта ва ғалла етиштириш ўргатилмоқда. Бу каби ёндашувлар ёш кадрларни меҳнат бозори талабларига мос тайёрлаш билан бирга илм-фан натижаларининг ишлаб чиқаришга кириб боришини тезлаштиради.

Рақамли қишлоқ хўжалиги

Аграр соҳада рақамлаштириш жараёнлари жадал суръатларда ривожланмоқда. Геоахборот тизимлари, масофадан туриб мониторинг қилиш, дронлар, сунъий интеллект элементлари, автоматлаштирилган суғориш тизимлари ва сенсор технологиялари ер ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Бу технологиялар экинлар ҳолатини тезкор баҳолаш, мониторинг қилиш, ҳосилдорликни прогнозлаш, минерал ўғитлар ва сув сарфини оптималлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга хизмат қилмоқда. Илмий ёндашув билан рақамли воситалар бирлашганда, фермер қарорни тахминга эмас, аниқ маълумотга асосланиб қабул қилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида “Dron service” корхонаси ташкил этилди. Республикага олиб келинаётган учувчисиз аппаратлар билан ушбу хизмат орқали ўсимликларни ўсув даврида озиқлантириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш, дефолиация каби агротехник тадбирлар илмий асосда бажариляпти.

Аграр соҳада инновацияларнинг самарадорлиги уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан белгиланади. Шу мақсадда стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, инновацион грантлар ажратиш, агротехнологик парклар ва инновация марказлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда.

Хитойнинг Янлин қишлоқ хўжалигида юқори технологиялар демонстрацион ҳудуди тажрибаси асосида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ҳузурида Ўзбекистон — Хитой қишлоқ хўжалигида юқори технологиялар агротехнопарки ташкил этилди. Агротехнопаркда янги юқори авлодли уруғ, нав ва дурагайларни яратиш, синаш, интенсив боғдорчилик ва узумчилик, сабзавот экинлари, манзарали боғдорчилик, гулчилик, иссиқхоналар, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик бўйича демонстрацион ҳудудлар барпо этилади.



Бундай майдончаларнинг аҳамияти шундаки, фермер ёки тадбиркор янги технологияни фақат назарий эмас, балки амалдаги натижа орқали баҳолайди. Илмий ишланма тажриба майдонида синовдан ўтади, иқтисодий самараси ҳисобланади, кейин эса ишлаб чиқаришга кенг жорий этилади. Шу тариқа лабораториядаги ғоядан бозордаги маҳсулотгача бўлган занжир шаклланади.

Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон аграр соҳада дунёнинг етакчи илмий марказлари, халқаро ташкилотлар ва ривожланиш институтлари билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Бу ҳамкорлик илғор технологияларни ўзлаштириш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш, олимлар малакасини ошириш ва инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Юртимиз шароитида ноанъанавий сабзавот экинларини интродукция қилиш ва маҳаллий шароитга иқлимлаштириш бўйича Жанубий Кореянинг AFASI ташкилоти, Хитой шоличилик илмий-тадқиқот институти, Филиппин халқаро шоличилик институти (IRRI), Вьетнам дала экинлари илмий-тадқиқот институти, Малайзиянинг MARDI ташкилоти билан шоличиликда инновацион технологияларни жорий этиш, Грузия илмий-тадқиқот маркази билан узум кўчатчилиги, Беларусь Боғдорчилик институти билан резавор экинларни етиштириш соҳаларида ҳамкорликда илмий тадқиқотлар қилинмоқда.

Халқаро ҳамкорликнинг яна бир муҳим жиҳати — маҳаллий илмий мактаблар салоҳиятини оширишдир. Қўшма лойиҳалар орқали олимлар янги методикаларни ўзлаштиради, лаборатория базаси мустаҳкамланади, ёш тадқиқотчилар халқаро илмий муҳитга кириб боради. Бу эса миллий аграр илм-фаннинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Аграр илм-фан ва инновациялар мамлакат қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Вазирлик тизимидаги 22 та илмий-тадқиқот институтида ўтган йил якуни бўйича соҳа олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг 60 тага яқин янги нав ва дурагайи яратилди. Уларнинг 40 та нави ишлаб чиқаришга жорий қилинди, 26 та нав давлат реестрига киритилди. Умумий қиймати 26,3 миллиард сўм бўлган 39 та илмий лойиҳа тижоратлаштирилди.

Соҳага оид илмий тажриба ва экспериментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишга қаратилган, вазирлик томонидан молиялаштирилган, хонадонбай усулда бажариладиган 13 та илмий тадқиқот лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳалар илм-фан натижаларини кичик хўжаликлар, томорқалар ва оилавий тадбиркорликка олиб кириш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

Хулоса

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида илм-фаннинг ўрни тобора кенгаймоқда. Янги навлар яратиш, генетик тадқиқотларни ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, рақамли мониторингни йўлга қўйиш, илмий кадрлар тайёрлаш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш — буларнинг барчаси бир мақсадга, яъни самарали, рақобатбардош ва барқарор аграр тизимни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Аграр илм-фаннинг ҳақиқий қиймати унинг натижаси далада намоён бўлганида кўринади. Янги нав фермерга юқори ҳосил берса, сув тежовчи технология харажатни камайтирса, рақамли восита касалликни эрта аниқласа, илмий ишланма аҳоли даромадини оширса, илм-фан ўз вазифасини бажарган бўлади. Шунинг учун илмий тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш, инновацияларни оммалаштириш ва тижоратлаштириш тараққиётнинг муҳим шартидир.

Келгусида илм-фан, инновация ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш орқали мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича муҳим натижаларга эришиш мумкин. Бу жараёнда олим, агроном, фермер, тадбиркор ва ёш мутахассиснинг ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official

2026 йил 7 октябрь, 207-сон

Ислоҳот одимлари

Замонавий мактабда ўқувчи нафақат муайян билимларни ўзлаштириши, балки мустақил фикрлаши, ижодий ёндашиши, ахборот билан ишлаши ҳамда олган билимларини турли ҳаётий вазиятларда қўллаши муҳим аҳамият касб этади. Бундай юқори натижаларга эришиш эса, ўз навбатида, таълим мазмуни ва ўқув дастурлари билан бирга жараённи бевосита амалиётга татбиқ этадиган педагогнинг касбий тайёргарлиги ва маҳоратига боғлиқ. Шу маънода, бугун педагог кадрлар тайёрлашга шунчаки диплом бериш маросими эмас, балки замонавий мактаб учун зарур касбий компетенциялар, мослашувчан кўникмалар ва юқори масъулиятга эга мутахассисни шакллантириш жараёни сифатида қаралмоқда.



БУГУННИНГ ПЕДАГОГИ: АУДИТОРИЯДАН КАСБГАЧА БЎЛГАН ЙЎЛ



Икромжон РАҲИМОВ,
Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети ўқув-услубий бошқарма бошлиғи ўринбосари

Президентимиз ҳузурида шу йил 28 сентябрь куни таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг навбатдаги вазифаларига бағишлаб ўтказилган тақдимотда ҳам мактаб таълими мазмунини янгилаш, янги авлод дарсликларини жорий этиш, педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, олийгоҳлар ва корхоналар, ташкилотлар ҳамкорлигида дуал таълимни самарали ташкил этиш каби қатор муҳим масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ушбу вазифаларнинг ҳар бири таълим сифатига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Бироқ уларнинг умумий амалий самараси, аввало, янгиланган таълим мазмунини мактаб аудиторияси ва синфхонага маҳорат билан татбиқ эта оладиган янги авлод педагогларини тайёрлаш даражаси билан белгиланади. Чунки мактабдаги таълим натижаси фақат дарсликда нима ёзилгани ёки дастурда қандай мавзулар белгилангани билан эмас, балки педагог шу мазмунни ўқувчига қандай етказиши ва унинг фикрлаш қобилиятини қай даражада ривожлантира олиши билан белгиланади.

Замонавий таълим олдида турган асосий вазифалардан бири ўқувчига фақат ахборот ва тайёр қоидаларни сингдириш билан чекланмайди. Унда мустақил фикрлаш, ижодкорлик, ахборотни таҳлил қилиш ва фарқлаш, мулоқот қилиш ҳамда ўз қарорини асослаб бера олиш кўникмаларини шакллантириш устувор ўринга чиқмоқда. Бундай замонавий ёндашув дарслик мазмунидан тортиб, дарсни ташкил этиш ва ўқувчи билимини баҳолашгача бўлган бутун мажмуани қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бироқ энг мукаммал янги дарслик ҳам таълим натижасини автоматик равишда ўзгартириб қўймайди. Ундаги топшириқлар, саволлар ва амалий топшириқларни ўқитувчининг дарсда қандай қўллаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, тайёр қоида ёки формуладаги билимни ёдлатиш билан ўқувчини шу қоидани мустақил кашф этиш ва турли вазиятларда қўллашга йўналтириш ўртасида фарқ бор. Биринчи ҳолатда асосий эътибор маълумотни шунчаки ўзлаштиришга қаратилса, иккинчи ҳолатда билимни англаш, таҳлил қилиш ва амалда қўллаш муҳити вужудга келтирилади. Демак, таълим мазмуни ва дастурлари янгиланаётган бир шароитда педагогнинг дарсни режалаштириш, ўқувчини фаоллаштириш ва унинг ривожланиш динамикасини таҳлил қилишга оид методик кўникмалари ҳам айнан ушбу ислоҳотлар суръатига мос равишда ривожланиши керак.



Бугунги мактабга қандай ўқитувчи керак? Бу саволга фақат “олий маълумотли мутахассис” деган анъанавий жавоб етарли эмас. Замонавий педагог ўз фанини чуқур билиши билан бирга боланинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларини тушуниши, дарсни аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ташкил этиши, рақамли воситалардан унумли фойдаланиши ва фаолиятини доим танқидий таҳлил қила олиши лозим.

> **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим соҳасида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагоглар учун “5+1” модели асосида бакалаврлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам айнан ушбу замонавий ёндашувнинг амалий ифодасидир. Мазкур моделда талаба беш кун бевосита таълим ташкилотида амалий фаолият юритади.**

Шу нуқтаи назардан, педагог кадрлар тайёрлаш тизимига ёндашувда ҳам марказий савол ўзгармоқда. Энди гап фақат талаба қайси фанларни ўргангани, қандай имтиҳон топширгани ёки қандай диплом олгани ҳақида эмас. Энг муҳим ва ягона мезон у касбий педагогик фаолиятни мустақил ва сифатли бажаришга қай даражада тайёр эканидир.

Бўлажак ўқитувчи дарсни замонавий стандартлар асосида режалаштира оладими? Синфдаги ўқувчиларнинг турлича билим даражаси ва эҳтиёжларини фарқлай оладими? Ўзлаштиришдаги қийинчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этишнинг методик йўлларини таклиф эта оладими? Назарий билимларни реал синфхона вазиятида қўллай оладими?

Педагогик таълим дастурларини такомиллаштиришда айнан ушбу саволлар асосий вазифа сифатида қўйилиши керак. Президентимизнинг 2025 йил 28 апрелдаги “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, педагогик таълим дастурларини халқаро тажриба ва стандартлар асосида янгилаш каби муҳим вазифалар белгилангани айнан шу йўналишдаги ислоҳотлар тизимли тус олаётганидан далолат беради.

Педагогик таълим дастурларини халқаро тажрибага мослаштириш ҳақида сўз кетса, уни хорижий адабиётларни ўқув режасига киритиш ёки чет тилида дарс ўтиш билан чеклаб бўлмайди. Халқаро тажрибанинг асосий қиммати ва аҳамияти таълим натижаларини тўғри белгилаш, педагогик компетенцияларни босқичма-босқич ривожлантириш ва уларни холис баҳолашнинг самарали усулларини ўрганишдадир. Масалан, танқидий фикрлаш, ижодкорлик, мулоқот ва жамоада ҳамкорликда ишлаш кўникмалари бугунги таълимнинг ўзагини ташкил этмоқда. Бундай кўникмаларни ўқувчида шакллантириш учун педагогнинг ўзи, аввало, уларни ривожлантирувчи методларни аъло даражада эгаллаган бўлиши зарур.

Педагог кадрлар тайёрлашда назария ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш стратегик аҳамиятга эга. Чунки ҳақиқий педагогик маҳорат маъруза тинглаш ёки методик қўлланмаларни ўқиш орқали шаклланмайди.

Шу жиҳатдан дуал таълим тизимининг ўрни жуда катта. У олий таълим муассасасидаги назарий тайёргарликни бевосита бўлажак иш жойидаги амалий фаолият билан жипслаштиради.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим соҳасида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагоглар учун “5+1” модели асосида бакалаврлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам айнан ушбу замонавий ёндашувнинг амалий ифодасидир. Мазкур моделда талаба беш кун бевосита таълим ташкилотида амалий фаолият юритади. Бир кун эса педагогика олий таълим ташкилотида назарий ва методик билимларни чуқурлаштиради. Бу ерда энг муҳим жиҳат талабанинг амалиётда бўлган вақти ҳажми эмас, балки шу вақтда у нечоғлик сифатли касбий тажриба ва кўникма орттирганидир. Талаба аудиторияда бола психологияси ёки баҳолаш усулларини ўрганса, иш жойида уларнинг реал ҳаётда қандай намоён бўлишини кузатади ҳамда амалда қўллайди.

Дуал таълимнинг асосий моҳияти — олий таълим ташкилоти ва иш берувчининг алоҳида-алоҳида эмас, балки ягона касбий тайёргарлик жараёнининг тенг ҳуқуқли ва масъулиятли иштирокчилари сифатида ҳаракат қилишида.

Президентимиз ҳузуридаги тақдимотда таълим жараёнида видеодарслар, анимациялар, аудиоматериаллар ва интерактив топшириқлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бундай рақамли воситалар таълим мазмунини кўргазмали ва тушунарли етказиш, ўқувчининг дарсга қизиқишини ошириш имконини беради.

Бироқ рақамли ресурслар ва платформаларнинг мавжудлиги ўзидан-ўзи таълим сифати ошишини кафолатламайди. Асосий масала педагог ушбу ресурслардан қандай мақсадда ва қай даражада методик савод-хонлик билан фойдаланишидадир. Масалан, аниқ фанлар бўйича рақамли восита формула ёки чизмани экранда намойиш этиш билан чекланмай, ўқувчига мураккаб қонуниятларни тушуниш ва турли муқобил ечимларни таққослашга хизмат қилиши керак. Демак, рақамлаштиришнинг энг муҳим омили компьютер ёки платформа эмас, балки педагогнинг рақамли компетенцияси. Шу сабабли рақамли педагогикани алоҳида фан сифатида эмас, балки барча фанни ўқитиш методикасининг ажралмас қисмига айлантириш зарур. Бунда сунъий интеллект воситаларидан масъулиятли фойдаланиш, ахборотнинг ишончлилигини текшириш ва рақамли хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ҳам ўқитувчининг касбий тайёргарлиги таркибига киради.

Таълимдаги ўзгаришларнинг яна бир устувор йўналиши ўқувчилар билимини баҳолаш усулларини модернизация қилишдир. Агар ўқувчидан мустақил фикрлаш ва билимни амалда қўллаш талаб этилса-ю, баҳолаш фақат фактик маълумотларни ёддан айтиб бериш орқали амалга оширилса, ўқитиш мақсади ва натижаси ўртасида номутаносиблик юзага келади.

Педагогнинг касбий ривожланишини баҳолашда ҳам фақат тест натижалари ёки малака ошириш курслари сертификати билан чекланмаслик лозим. Фанни билиш ва бошқаларга самарали ўргата олиш — ўзаро боғлиқ, аммо бошқа-бошқа педагогик кўникмалар. Педагогнинг дарсни ташкил этиш маҳорати, ўқувчилар билан мулоқот ўрнатиши ва реал таълим натижалари асосий мезонга айланиши даркор.

Янги авлод дарсликлари, педагоглар малакасини ошириш, халқаро тажрибага асосланган дастурлар, дуал таълим, рақамлаштириш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш — буларнинг барчаси ягона тизимнинг қисмлари. Улар алоҳида-алоҳида эмас, балки бир-бирини тўлдирган ҳолда амалга оширилганда кутилган юқори самарани беради.

Таълим ислоҳотларининг пировард натижаси бажарилган тадбирлар сони билан эмас, балки мактабга кириб бораётган янги авлод педагогларининг касбий даражаси ҳамда улар тарбиялаётган, мустақил ва танқидий фикрлайдиган ўқувчиларнинг билими, ҳаётга тайёргарлик даражаси билан ўлчанади.

Нуқтаи назар

Бугунги глобаллашув ва тезкор ахборот алмашинуви даврида ёш авлоднинг билими ва салоҳиятини тўғри йўналтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш олий таълим олдидаги энг муҳим вазифалардан.



Акмал НАЗАРОВ,
Бухоро давлат университетининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори



БУНЁДКОР КУЧ

Бухоро давлат университетида ҳам ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар ана шу ёндашув асосида ташкил этилиб, талабаларнинг таълим олиши билан бир қаторда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва муаммоларини манзилли ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар тизимли мувофиқлаштирилган.

Университетимизда 2026/2027 ўқув йилида кундузги таълим шаклида 10 минг 194 талаба таҳсил олмоқда. Улар учун зарур ижтимоий ва маиший инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Таълим жараёнини ташкил этиш учун 6 та ўқув биноси мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қуввати 7360 ўринни ташкил этади. 7 та талабалар турар жойи, жумладан, 1 та давлат-хусусий шериклик асосидаги талабалар турар жойи фаолият юритмоқда. Уларда 2765 та ўрин мавжуд.

Шунингдек, 6 та спорт зали ва 22 та спорт майдончаси, 8 та ахборот-ресурс маркази ҳамда 870 ўринли 7 та овқатланиш маскани талабаларга хизмат кўрсатмоқда.

Умуман олганда, университетимизда талабаларнинг нафақат аудиторияда, балки аудиториядан ташқарида ҳам қобилиятини намоён этиши учун имконият яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласига тизимли ёндашилмоқда. Бунинг учун талабаларнинг қизиқиши ва истеъдодини ривожлантириш учун 135 та тўгарак ва секция фаолияти йўлга қўйилган. Уларга 7435 талаба жалб этилган. 2025/2026 ўқув йили давомида турли танлов, мусобақа ва фестивалларда иборат 325 та тадбир ташкил этилиб, уларда 3274 талаба иштирок этди. Ўқиш даврида меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган талабалар сони 321 нафарни ташкил этмоқда.

Энг муҳими, ёшларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш фақат университет миқёсидаги тадбирлар билан чекланиб қолмаяпти. Талабалар халқаро ва республика миқёсидаги танлов, мусобақа ва фестивалларда ҳам фаол қатнашиб, жумладан, 627 нафари совринли ўринларни эгаллаган. Бу рақамлар ортида истеъдодини намоён этаётган, ўз устида ишлаётган ва мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган минглаб ёшларнинг изланиши мужассам.

Университетимизда ёшлар билан ишлаш тизимида тадбирларнинг мазмуни ва амалий натижадорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2026 йил давомида университет ташаббуси билан 8500 дан зиёд тадбир ташкил этилди. Улар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ОИВ/ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашиш, коррупциянинг олдини олиш, терроризм ва экстремизмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ватанпарварлик, маданият, маърифат, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби кўплаб йўналишларни қамраб олди. Беш муҳим ташаббус доирасида эса 521 тадбир ўтказилиб, ёшларнинг маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялари, китобхонлик ҳамда бандлик йўналишларидаги фаоллиги оширилди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда спортнинг ўрни беқиёс. Бухоро давлат университетида 2026 йил 12 сентябрга қадар 120 дан ортиқ спорт тадбири ўтказилиб, ҳафтасига ўртача 7-8 та спорт тадбирини ташкил этиш тизими йўлга қўйилди.

Талабалар лигасида университетнинг йигитлар жамоаси 2024, 2025 ва 2026 йилларда кетма-кет учинчи марта чемпионликни қўлга киритди. Қизлар жамоаси эса иккинчи ўринни эгаллади. Талабаларимизнинг халқаро майдондаги иштироки ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, волейбол бўйича талабаларимиз халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Ёшларнинг спортга қизиқишини янада ошириш мақсадида чоршанба куни “Спорт куни”, пайшанба куни эса “Ёшлар куни” сифатида йўлга қўйилди. “Зиёрат веломарафони”, “Ректор кубоги” каби лойиҳалар ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этмоқда.

“Янги Ўзбекистон талабалари олимпиадаси” республика финалида Бухоро давлат университетининг 77 талабаси иштирок этгани ҳам университетда спорт захирасини шакллантиришга берилаётган эътибор натижасидир.

Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш Бухоро давлат университетида ёшлар ишларининг устувор йўналишларидан. Талабалар республика ва халқаро миқёсдаги турли танловларда муносиб натижаларга эришиб келмоқда. “Маърифат майдони” танловининг финал босқичида университетнинг “Ирфон” жамоаси учинчи ўринни эгаллаб, 20 миллион сўмлик мукофот билан тақдирланди.

“Ёшлар — гиёҳвандликка қаршимиз!” танловида “Умид” жамоаси учинчи ўринни қўлга киритиб, 100 миллион сўмлик мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, “Амир Темур ворислари” танловида учинчи, “Тўмарис издошлари” танловида эса иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Бундай натижалар ёшларнинг билими ва истеъдодини намоён этиш учун яратилаётган имкониятлар билан бирга уларнинг ўз устида ишлашга интилиши тобора кучайиб бораётганидан далолат беради.

Ёшлар билан ишлашда уларнинг ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этади. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 январдаги тегишли қарорига асосан февраль-июнь ойларида 165 талабага 40 миллион 750 минг сўм миқдорида субсидия ажратилди. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан 40 дан ортиқ маънавий-маърифий ва профилактик тадбир ташкил этилди. Ёшларнинг мурожаатларини тезкор қабул қилиш ва муаммоларини ўрганиш учун махсус телеграм-бот ишга туширилди. Бундай ёндашувдан асосий мақсад талабаларнинг ўз муаммоси билан ёлғиз қолиб кетмаслигини таъминлашдир.

Ёзги таътил даврида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилди. Жумладан, ёшларни спорт, маданият, ижодкорлик ва жамоатчилик тадбирларига кенг жалб этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур ташаббуслар университетда йўлга қўйилган “Ёшлар куни”, “Спорт куни”, веломарафонлар, спорт мусобақалари ва маънавий-маърифий учрашувлар билан уйғунлаштирилди. Бу эса ёзги таътил даврини ёшлар учун шунчаки дам олиш эмас, балки янги билим, кўникма ва тажриба орттириш даврига айлантиришга хизмат қилди.

Бугун ёшлар билан ишлаш самарадорлигини фақат ўтказилган тадбирлар сони билан баҳолаш етарли эмас. Асосий мезон тадбир ва лойиҳанинг талабалар ҳаётидаги амалий натижаси, хусусан, дунёқараш, билим, касбий ривожланиш, соғлиқ ва ижтимоий фаолликка кўрсатган таъсиридир. Шу нуқтаи назардан, Бухоро давлат университетининг ёшлар билан ишлаш тизимида тадбирларни мазмунан бойитиш, профилактик ишларни манзилли ташкил этиш, талабалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, кафедралар фаолиятини рағбатлантириш, рақамли имкониятлардан фойдаланиш ва ёшларнинг индивидуал эҳтиёжларига эътибор қаратиш каби йўналишларга устувор аҳамият берилмоқда.

Келгусида “Китобхон талаба”, “Менинг ташаббусим”, “Ҳалоллик ҳафталиги”, “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари”, “Чемпионлар мактаби” каби лойиҳаларни кенгайтириш, спорт захирасини мустаҳкамлаш, талаба қизларнинг илм-фан, инновация ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини ошириш кўзда тутилган. Чунки бугун университет аудиториясида таҳсил олаётган ёшлар эртанги куннинг олимлари, педагоглари, муҳандислари, тадбиркорлари, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этадиган мутахассисларидир. Уларнинг ҳар бирига яратилган имконият мамлакат келажагига киритилган сармоядир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznev yuz.uz_news yuz.uz_news



Уйғоқ фикр

ПАХТА ИШИ ДЕБ...

ЁХУД ҲОЗИРГИ ДОРИЛАМОН КУНЛАР **ОРЗУМИЗ ЭДИ**

Инсон ҳаётида нима воқеалар бўлмайди дейсиз. Мен қатори ёши кексалар собиқ иттифоқ даврида туғилган бўлсак-да, кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Бироқ ота-онамиз ҳеч қачон нолимасликни, сабрнинг мукофоти борлигини болалигимиздан қалбимизга сингдирган. Аввало, тинчлик, омонлик бўлсин дейишган. Шунинг учун дуо қилганимизда ҳамиша тинчлик-хотиржамлик бўлишини Аллоҳдан сўраб келганмиз. Чунки тинчлик бўлмаса, кўнгилга ҳеч нарса сиғмаслигини катта ёшдаги одамлар жуда яхши билади.

Яратганга беадад шукрлар бўлсин, бугунги кунда телевизорда кўриб, эшитаётганимиз — бахтсизликлар, айниқса, сувсизлик, очарчилик каби синовлар биздан анча узоқда. Кечаси билан хавотирда ётмаймиз. Дарвозамиз очиқ қолиб кетса ҳам биров уйимизга бостириб кирмайди ва таҳдид қилмайди.

Бир пайтлар ёмғир, қор ёққанда лойга ботадиган чанг кўчаларимизга асфальт ётқизилди. Қишлоғимизнинг чекка жойларидаги уйларга ҳам тоза ичимлик сув келиб турибди. Аввалгидай фақат ўчоқда чой қайнатиб, овқат пиширш пайтлари аллақачон ўтиб кетди. Яшашимиз йилдан йилга яхшиланяпти. Хуллас, яна такрор айтамиз, тинчлик бўлса, одам қанча меҳнат қилса ҳам чарчамайди.



Шундай дақиқаларда ўтган ҳаётимизни эсласам, юрагим увушиб кетади. Ҳеч ёдимдан чиқмайди: 1959 йил экан, онам бечора тандирга олов ёқиб, нон ёпиш учун тайёргарлик кўраётганида, пахта терими бошлангани сабаб бригадир ёниб турган ўчоққа сув сепиб, ўчириб кетган. Арзингизга ким қулоқ солади? Ҳеч ким! Нима эмиш, бригадир тепанинг топшириғини бажариши шарт, пахта мавсумида уй-рўзғор юмуши биринчи ўринда турмасмиш.

Яна бир нарса эсимга тушиб кетди. Ўқувчию талабалар пахта терими бошланиши билан пахтанинг қулига айланардик. Уларга қўшилиб ўқитувчию профессорларгача пахта теримига сафарбар этилиб, кунлик терим режаси сўраларди. Мактаб ўқувчиси ва талабалар далага пахта териш учун келдими, белгиланган режани бажариши, бажармаса штабга чақирилиб, албатта, жазосини олиши муқаррар эди. Овқат масаласи ҳам ўз ҳисобидан, тугунлик нон ва чойдан иборат бўлган. Яна туман марказига ишингиз тушса, йўлда орган ходимлари автобусдан тушириб, иккиуч кило бўлса ҳам пахта теришга мажбурлашига нима дейсиз? Арзингизни бир айтиб кўринг-чи, улар сизга қулоқ солишадими? Йўқ!

Собиқ иттифоқ даврида кечқурун колхоз идорасида йиғилиш бўлиб, пахта тераётган бригадаларга колхоздан биттадан вакил тақсимланиб жўнатиларди. Агар ўша вакил, бригадир режани бажармаса, “пахтанинг душмани” номини олиб, дашном эшитарди. Ҳатто ишдан олинарди. Биз, газета таҳририяти ходимлари ҳар шанба, якшанба кунлари бир жамоа бўлиб пахта терганмиз.

Ниҳоят Президентимизнинг сиёсий иродаси билан мажбурий меҳнат сингари иллатлар — 100 йиллик “пахта қуллиги” бутунлай бекор бўлди. Мактаб ўқувчиси ва олий ўқув юрти талабаси пахта майдонидан тўлиқ ўқишга қайтди. Одамлар қалбига ёруғлик кириб келди.

Шу ўринда яна бир бор лирик чекиниш қилсак. У пайтлари уйланадиган йигит, турмушга чиқадиган қизга никоҳдан ўтишига рухсат йўқ эди. Тўйлар эса бориб-бориб, қиш фаслига — январь, февраль ойларига тўғри келарди. Кечаси соат 12 да тўй бошланарди. Кундузи ишга халақит бермаслиги айтиларди. Ҳатто нафақа пулини икки-уч ойлаб ололмаган кунларимиз бўлган. Паспорт олиш учун ойлаб туман марказига қатнаганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Бугун у кунларни эртакдай эслаймиз. Инсон қадри улуғлангани шу эмасми?

Ҳозир озгина интилган одам учун барча имкониятлар мавжуд. Мана, бозорларимиз тўкин. Айниқса, ун, нон сероблигига кўз тегмасин! Бир ҳовуч дон учун не азобларни кўрганимиз ёдимизда. Яратганга беадад шукр, тандирлар тўлиб нон ёпиляпти, миллий байрамларимиз ўз вақтида бўляпти, китобларни беркитиб ўқийдиган замонлар ўтиб кетди. Рўза тутасизми, диний арконларни бажарасизми, ҳеч кимнинг иши йўқ. Мадрасаларда таълим олаётган қори ўғил-қизларимиз заковати кўзимизни қувонтиради. Тўйларимизни айтмайсизми, пахта терими мавсумида ҳам тўйлар тўхтамайди, тўкин-сочинликда, ҳатто қишлоқларда ҳам замонавий тўйхоналарда ўтишининг ўзи бир бахт. Буларнинг барига шукр қилиб яшаб, бугунги ислоҳотларга биз, жамиятнинг фидойи инсонлари “лаббай” деб жавоб беришга тайёр туришимиз керак. Ана шундагина одамларнинг ҳалол меҳнати Ватан тараққиётига камарбаста бўлади ва юрт равнақи тезлашиб бораверади. Ватан шу йўсинда бунёд этилади.

Мардиқул СИДДИҚОВ,
фахрий журналист

Мулоҳаза

ВАТАН КЕМАСИ

МУСТАҚИЛЛИКнинг яна бир номи МАСЪУЛИЯТдир

Миллий юксалиш сўзининг салмоғини ҳис қилиш учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг тарихий тажрибалари ҳамда тараққиёт йўлларини ўрганиш айни муддао. Қай бир халқ юксалиш учун фақат ва фақат олдинга интилган, янги марраларни забт этган ва яна олға ҳаракатланган бўлса, бамисоли денгиздаги кема кабидир. У тинимсиз сузади, сузаверади. Улкан тўлқинларга, кучли шамолларга қарши туриб, денгизчиларнинг тақдирини-да елкасига ортмоқлаганча олға бораверади. Бу ерда энг оғир тош ўрнини биргина нарса босиб туради: масъулият.



Зиёда АКБАРҚУЛОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси

Дунё XVII асрда яшаган нидерландиялик сайёҳ ва денгизчи Абел Тасманни Тасмания ҳамда Янги Зеландия тарихи билан боғлиқ кашфиётлари орқали яхши танийди. Унинг бутун умри денгизга бағишланган. Тарихий манбаларда фаолияти давомида икки денгизчини жазолагани учун судлангани, шу сабабли лавозимидан четлатилгани, кейинчалик эса ўз вазифасига содиқлиги туфайли ишига тикланиб, хизматдан нафақага чиққани, умрининг сўнгги кунига қадар ҳам билим, кўникма ва тажрибаларини келгуси авлодга етказиш йўлида меҳнат қилгани ёзиб қолдирилган. Бироқ унинг тадқиқотларини ўрганган кейинги олимлар авлоди Тасманнинг асосий мақсади янги ерларни кашф этишдан мутлақо фарқ қилганини қайд этган.

“Ост-Индия” компанияси хизматчиси сифатида жанубий яримшардаги йирик денгиз экспедицияларига раҳбарлик қилган Тасман аслида янги савдо йўллари, ресурслар ва стратегик имкониятларни излаш билан шуғулланган. Унинг меҳнатлари Нидерландия учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тасманнинг экспедициялари натижасида голландлар жанубий яримшар ва Тинч океани ҳудудлари ҳақида кенгроқ маълумотларга эга бўлди. Бу маълумотлар кейинчалик денгиз сафарлари уюштириш, харитачилик ва савдо муносабатларини ривожлантиришда жуда қўл келди.

Тасманнинг Янги Зеландия Миллий кутубхонасида сақланаётган, 1642-1643 йилларни қамраб олган сафар кундалиги ўрганилганда, тадқиқотчилар ҳайратга тушган. Боиси, чорак асрлик ҳаётини уйидан узоқда — денгиз саёҳатларида ўтказган сайёҳ ўз кундалигида “юрт соғинчи” ҳақида бирорта гап, ҳатто кичик ибора ҳам ёзиб қолдирмаган эди. Фақатгина 1642 йилнинг 15 августида Нидерландиядан келаётган кема ҳақида битилган “Ватандан келаётган кема” ибораси Тасман қалбидаги “соғинч” туйғуси “масъулият” тушунчасига алмашганини англатади. Узоқ йиллик мустамлакачилик давридан сўнг мустақилликка эришган, аммо иқтисодиёти анча ҳолдан тойган Нидерландиянинг ривожи учун йўлга отланган бу кичик кеманинг мақсади анчайин буюк бўлганини бугунги келажак авлод ҳам эътироф этади.

Тасман каби денгизчилар учун Ватан шунчаки машаққатли саёҳат олдидан ортда қолган соҳил эмас, балки қайтиш умиди бўлган ва ривожланган юртини кўриш истаги эди.

Биз мустақилликни қўлга киритиш осон бўлмаганига гувоҳ бўлган авлодмиз. Айни пайтда эса унга тўлақонли эгалик қилиш учун улкан масъулият кераклигини ҳис этиб яшашга ҳам бурчлимиз. Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари келгуси ўн йилликни миллий юксалиш даври деб атагани бежиз эмас. Унда инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган еттита миллий дастур — билим ва малака, соғлом авлод, юқори технологияли иқтисодиёт, сув ва экология, қонун устуворлиги, маҳалла ҳамда халқаро тинчлик ва дўстлик йўналишлари белгилаб берилди.

Президентимиз эълон қилган мазкур етти дастур бизга нима беради?

Биринчи йўналиш — билимни миллий капиталга айлантириш. Миллий юксалишнинг янги босқичида асосий савол “Қанча киши таълим олмоқда?” деб эмас, балки “Қанча инсон юқори сифатли билим ва кўникмага эга бўлмоқда?” дея қўйилади. Демак, дипломлар сонидан компетенцияга, таълим қамровидан таълим натижасига, шунчаки маълумот беришдан мустақил фикрлайдиган инсонни тарбиялашга ўтиш даври бошланди. Бир сўз билан айтганда, бугунги мактаб битирувчиси эртанги меҳнат бозорида бемалол рақобатлаша олиши керак. Бугунги талаба эртанги технологияни ярата олиши лозим. Бугунги олим эса ўз тадқиқотларини ишлаб чиқариш ва жамият эҳтиёжлари билан бевосита боғлай олиши зарур.

Миллий юксалишнинг асосий кучи билим, бугунги кунда Ватанга хизмат қилишнинг энг катта майдонларидан бири айнан илм-фан соҳаси эканини бир вақтлар жуда оғир ижтимоий-иқтисодий шароитни бошидан кечирган Жанубий Корея мисолида яққол кўришимиз мумкин. Ушбу мамлакат қисқа тарихий давр ичида таълим, технология, инфратузилма ва инсон капиталига йирик сармоялар киритиш орқали улкан ўзгаришларга эришди, ўз тарихини, ўз тақдирини ўзи яратди. Буларнинг барчаси ортида кўзга кўринмас, аммо ўта қатъий масъулият ётибди.



Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида “соғлом инсон — кучли миллат” ғоясини илгари суриш учун имкониятлар етарли бўлмаяпти. Шу маънода, сўнгги йилларда юртимизда тиббиёт соҳасига ажратилаётган маблағ сезиларли даражада ошгани алоҳида эътирофга лойиқ. Бугун энг чекка маҳаллаларимизда ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича қилинаётган ишлар ва ислоҳотларнинг амалий натижаларига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Янги тиббиёт муассасалари барпо этилиб, мураккаб диагностика ва даволаш усуллари ўз юртимизда йўлга қўйилаётгани олисимизни яқин, муш-кулимизни осон қилмоқда. Мамлакатимизда ўртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 66,4 ёшдан 2025 йилга келиб 75,4 ёшга етгани ҳам улкан ижобий натижа. Бироқ биз фақат бу билан чекланиб қолмаяпмиз. Янги дастур тиббиёт олдидаги вазифаларни янада кенгайтирмоқда. Эндиликда биз шунчаки касалликни даволайдиган тизимдан соғлом турмуш тарзини шакллантирадиган жамиятга ўтишни мақсад қилдик. Халқона қилиб айтганда, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олишни муҳимроқ вазифа деб биляпмиз. Бу эса, ўз навбатида, профилактика, тўғри овқатланиш маданияти, жисмоний фаоллик, руҳий ва болалар саломатлиги ҳамда соғлом муҳитга эътиборни кучайтиришни, ҳар биримиздан янада масъулиятлироқ бўлишни талаб этади.

Ҳар қандай ривожланаётган мамлакатда “иқтисодий ўсиш” тушунчасининг мустақиллик даври билан ҳамнафас бўлиши табиий. Аммо эндиликда бу иборанинг “технологик юксалиш” билан ёнма-ён қўлланила бошлаши чинакам замон талабига айланди. Келажакда мамлакатлар табиий ресурслари билан эмас, балки билим ва технологияларни қай даражада бошқара олиши билан ўзаро рақобатлашади. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестиция ҳажми сўнгги йилларда сезиларли даражада ортгани, юртимиз ялпи ички маҳсулоти 160 миллиард долларлик маррага етиши кутилаётгани миллий юксалишнинг асл иқтисодий мазмунини намоён этади. Яъни бу арзон ишчи кучига эмас, балки юқори меҳнат унумдорлиги, илғор технологиялар, инновация ва инсон капиталига таянган кучли иқтисодиёт барпо этишга қаратилган стратегиядир. Бу эса, ўз-ўзидан, илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш, технологик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий брендларни халқаро бозорга олиб чиқиш, рақамли иқтисодиётни кенгайтириш, сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини энг устувор вазифаларга айлантиради. Уларнинг барчаси, энг аввало, юксак масъулиятни талаб қилади.

Шу кунга қадар биз табиат олдида фақат истеъмолчи мақомида бўлиб келдик. Ҳозирги давр эса олдимизга табиат билан уйғун яшашдек қатъий талабни қўймоқда. Сув ва экологияга оид масалалар эндиликда фақат бир соҳанинг муаммоси эмас. Бу бевосита иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, аҳоли саломатлиги, шаҳарсозлик, энг муҳими, келажак авлод тақдири билан боғлиқ масала. Биз сувга муносабатни ўзгартириш деганда фақатгина янги технологиялар ўрнатишни эмас, аввало, инсонлар тафаккурини ўзгартиришни тушунишимиз лозим. Сув тежашни кундалик одатга, ҳаттоки миллий қадриятга айлантиришимиз шарт. Тоза экология — биздан келажак авлодга қоладиган энг бебаҳо меросларнинг бири. Табиат олдидаги бурчимизни бажариш масъулиятини чуқур ҳис этишимиз эса келажак олдидаги қарзимиздир.

Ҳар йили кўплаб қонунлар қабул қилинади. Аммо қонунни шунчаки қоғоздаги талаб эмас, кундалик ҳаёт меъёрига айлантиришимизга чинакам суд мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлайди. Бу жиҳат миллий юксалишнинг алоҳида йўналиши сифатида белгилаб қўйилган бўлиб, у миллий тараққиётимизнинг энг мустаҳкам пойдеворларидан биридир.

Ҳар бир фуқаро қонун олдида ўзини тўлақонли ҳимояланган ҳис қилиши, тадбиркор қонун-қоидаларга қатъий риоя этиши ва ўз ҳуқуқи ҳимоя қилинишига ишониши, судга мурожаат қилган инсон эса фақатгина натижани эмас, аввало, адолатли жараённи кутиши лозим. Ана шундагина қонун қоғоздаги нормадан жамиятнинг ички маданиятига айланади.

Миллий юксалишнинг ҳақиқий мезони қуруқ рақамларнинг ўзи эмас, ана шу рақамлар ортида турган инсоннинг реал ҳаёти ва тақдиридир. Қачонки, биз бир ёшнинг сифатли таълим олишига фақатгина бир инсоннинг эмас, бутун мамлакат келажагига тикилган сармоя деб қарай бошласак, бир оиланинг камбағалликдан чиқишини шунчаки статистик кўрсаткич эмас, бутун бошли авлодлар тақдирининг ижобий томонга ўзгариши деб билсак, бир олимнинг янги кашфиётини навбатдаги оддий илмий мақола эмас, янги иқтисодий имкониятлар эшиги деб баҳоласак, суднинг адолатли қарорини битта ишнинг якуни эмас, жамиятда қонунга ишончнинг мустаҳкамланиши деб қабул қилсак, миллий юксалишга бугунданоқ ўз ҳиссамизни қўшаётган бўламиз.

Зеро, юқорида таъкидланганидек, мустақилликнинг яна бир номи бу — масъулият.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:40 Топширилди — 00:00